

СОЛИШТИРМА ЖАДВАЛ

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлдаги ЎРҚ-486-сонли Қонуни

“Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан
Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”

(Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятига тегишли қисми)

Эски таҳрир	Янги таҳрир
<p style="text-align: center;">1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлядаги қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги 625-ХП-сонли Қонуни</p> <p>16-модда. Биржа битимлари ва уларнинг турлари</p> <p>Биржа битими биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномасидир.</p> <p>Биржада биржа битимлари, шу жумладан:</p> <p>Биржа товарларининг уларни кечиктирмасдан етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари (спот);</p> <p>биржа товарларининг уларни кечиктириб етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари (форвардлар);</p> <p>биржа товарини етказиб беришни (етказиб бериш фьючерси) ёки биржа товарини етказиб бермаган ҳолда битим тарафлари ўртасида пул ҳисоб-китоблари амалга оширилишини (ҳисоб-китоб фьючерси) назарда тутадиган, келгусида бажариш мажбурияти билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (фьючерслар);</p> <p>биржа товарларини ёки ҳосила молиявий воситаларни (деривативларни) келгусида сотиб олиш ёхуд сотиш ҳуқуқи билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (опционлар);</p> <p>валюталарни бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар бўйича ҳисоб-китобларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган валюта курси бўйича амалга ошириш шарти билан тузиладиган валюталарни</p>	<p style="text-align: center;">16-модда. Биржа битимлари ва уларнинг турлари</p> <p>Биржа битими биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномасидир.</p> <p>Биржада биржа битимлари, шу жумладан:</p> <p>биржа товарларининг уларни кечиктирмасдан етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари (спот);</p> <p>биржа товарларининг уларни кечиктириб етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари (форвардлар);</p> <p>биржа товарини етказиб беришни (етказиб бериш фьючерси) ёки биржа товарини етказиб бермаган ҳолда битим тарафлари ўртасида пул ҳисоб-китоблари амалга оширилишини (ҳисоб-китоб фьючерси) назарда тутадиган, келгусида бажариш мажбурияти билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (фьючерслар);</p> <p>биржа товарларини ёки ҳосила молиявий воситаларни (деривативларни) келгусида сотиб олиш ёхуд сотиш ҳуқуқи билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (опционлар);</p> <p>валюталарни бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар бўйича ҳисоб-китобларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган валюта курси бўйича амалга ошириш шарти билан тузиладиган валюталарни</p>

Эски таҳрир	Янги таҳрир
<p>бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар (валюта своплари); қимматли қоғозларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган нарх бўйича қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари (репо) тузилиши мумкин.</p> <p>Биржада қонун хужжатларига мувофиқ бошқа биржа битимлари ҳам тузилиши мумкин.</p> <p>Биржа битими тўғрисидаги ахборот (биржа товарининг номи, сони, котировкаси (нархи), биржа битими тузилган сана бундан мустасно) учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас. Биржа битими тўғрисидаги ахборот судларга тақдим этилади, суриштирув ва тергов органларига эса, қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади.</p> <p>Биржа битимининг мазмуни ҳақидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.</p> <p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда</p>	<p>бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар (валюта своплари); қимматли қоғозларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган нарх бўйича қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари (репо) тузилиши мумкин.</p> <p>Биржада қонун хужжатларига мувофиқ бошқа биржа битимлари ҳам тузилиши мумкин.</p> <p>Биржа битими тўғрисидаги ахборот (биржа товарининг номи, сони, котировкаси (нархи), биржа битими тузилган сана бундан мустасно) учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас. Биржа битими тўғрисидаги ахборот судларга тақдим этилади, суриштирув ва тергов органларига эса, қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади.</p> <p>Биржа битимининг мазмуни ҳақидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.</p> <p style="text-align: center;">Биржа битими тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасига қонун хужжатларига мувофиқ ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида унинг сўровига кўра тақдим этилади.</p>

Эски таҳрир	Янги таҳрир
<p style="text-align: center;">2. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартиба солиш тўғрисида»ги 841-ХII-сонли Қонуни</p>	
<p>20-модда. Валютани назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.</p> <p>Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда назорат қиладилар.</p>	<p>20-модда. Валютани назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.</p> <p>Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда назорат қиладилар.</p>
<p style="text-align: center;">3. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси</p>	
<p>215²-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаслик</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўзи ташкил этган текширишлар натижаларига биноан юборган кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш тарзида бажармаганликда, маълумотлар базасига киришга рухсат бермаганликда ва ахборот тақдим этмаганликда, била туриб нотўғри маълумот тақдим этганликда ифодаланган тарзда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг қонуний фаолиятига тўскىнлик қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятига аралашганлик ҳамда унинг мансабдор шахсларига уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни қонуний равишда бажаришига тўскىнлик қилиш мақсадида хар қандай шаклда таъсир кўрсатганлик,</p> <p>mansabdar shaxslariga eng kam iш haqinining besh baravariidan yun</p>	<p>215²-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг қонуний фаолиятига тўскىнлик қилиш</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг кўрсатмалари ва тақдимномаларини бажаришдан бўйин товлаганликда ёки ўз вақтида бажармаганликда, маълумотлар базасига киришга рухсат бермаганликда ва ахборот тақдим этмаганликда, била туриб нотўғри маълумот тақдим этганликда ифодаланган тарзда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг қонуний фаолиятига тўскىнлик қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятига аралашганлик ҳамда унинг мансабдор шахсларига уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни қонуний равишда бажаришига тўскىнлик қилиш мақсадида хар қандай шаклда таъсир кўрсатганлик,</p> <p>- мансабдор шахсларга eng kam iш haqinining besh baravariidan yun</p>

Эски таҳрир	Янги таҳрир
бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади;
<p style="text-align: center;">Кўшимча киритилмоқда</p>	<p>245⁶-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси</p> <p>Ушбу Кодекснинг 215²-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.</p> <p>Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиши учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.</p>
4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги 263-I-сонли Қонуни	
<p style="text-align: center;">Кўшимча киритилмоқда</p>	<p>9¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ваколатлари</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:</p> <p>давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиш ҳажмларини ва унинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиш бўйича олинадиган маблағлардан самарали ҳамда оқилона фойдаланилиши, шунингдек давлат ташки қарзларига ўз вақтида хизмат кўрсатилиши устидан назорат қилиш;</p> <p>давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ва асосланганлигини баҳолаш;</p>

Эски таҳрир	Янги таҳрир
	қонун хужжатлариға мувофиқ бошқа ваколатлар.
<p style="text-align: center;">5. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги 343-І-сонли Қонуни</p>	
<p>6-модда. Нотариал ҳаракатлар махфийлиги</p> <p>...</p> <p>(учинчи қисм) Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Кўчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг микдори тўғрисидаги, мерос ёки ҳадя тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади. Битим предмети бўлган обьектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) кредит бюросига унинг сўровига кўра тақдим этилади.</p> <p style="text-align: center;">Тўлдирилмоқда</p>	<p>6-модда. Нотариал ҳаракатлар махфийлиги</p> <p>...</p> <p>(учинчи қисм) Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Кўчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг микдори тўғрисидаги, мерос ёки ҳадя тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади. Битим предмети бўлган обьектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) кредит бюросига унинг сўровига кўра тақдим этилади. Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар қонун хужжатлариға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида унинг сўровига кўра тақдим этилади.</p>

Эски таҳрир	Янги таҳрир
<p align="center">6. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилингандан ЎРҚ-360-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси</p>	
<p>174-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати</p>	<p>174-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган давлат молиявий назорати</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси қуидагиларни амалга оширади:</p> <p>макроиктисодий кўрсаткичларни, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларини шакллантириш жарайёнларини, уларнинг қонун хужжатлари талабларига мувофиқлигига риоя этилишини тизимли ўрганиш;</p> <p>бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шакллантириш ва маблағлари сарфланишини умумий, моддалар бўйича, тармоқлар ҳамда ҳудудлар кесимида назорат қилиш ва текшириш;</p> <p>давлат мақсадли дастурлари амалга оширилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини баҳолаш;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк ҳисобварақларидағи маблағларининг қонуний шакллантирилганлигини, мақсадли ҳамда самарали сарфланганлигини назорат қилиш ва текшириш;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида мақбул нисбатга эришишга доир таклифларни таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш;</p> <p>давлат активлари шакллантирилишини, улардан самарали ва мақсадли фойдаланишини текшириш;</p> <p>даромад келтирувчи тармоқлар корхоналари фаолиятини бюджет тизими бюджетларига қўшимча тушумлар захираларини аниқлашга йўналтирилган тарзда таҳлил ва назорат қилиш;</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойихаси параметрлари шакллантирилишини ва мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш устуворликларига уларнинг мувофиқлигини тизимли таҳлил қилишни;</p> <p>қабул қилинаётган давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини;</p> <p>бюджет тизими бюджетларига ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилишни;</p> <p>бюджет тизими бюджетларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аниқлаш ва сафарбар қилишни;</p> <p>бюджет тизими бюджетларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлигини ва қонунийлигини аудитдан ўтказишни, барча даражаларда уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлашни;</p> <p>бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва давлатдан қарз олиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлигини ва асослилигини баҳолашни;</p> <p>солиқ ва бюджет тўғрисидаги қонун хужжатларини</p>

Эски таҳрир	Янги таҳрир
<p>Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармаси, Қишлоқларни қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағлари тушуми ва даромадларининг шакллантирилиши, уларнинг маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан таҳлил ва назорат қилиш;</p> <p>валюта, экспорт ва импорт операциялари ўтказишнинг қонунийлигини, шунингдек бюджет тизими бюджетларига товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импортидан мажбурий тўловлар бўйича маблағлар тушумини назорат қилиш;</p> <p>мамлакат олтин-валюта захираларининг ўрни қайта тўлдирилиши ва улар билан амалга ошириладиган операциялар устидан назорат қилиш;</p> <p>ички ва ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисоботлар ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил қилиш, маблағлар ва олтин-валюта захираларини чет эл банкларига ва бошқа банкларга жойлаштириш ҳамда қайта жойлаштиришнинг асосли ва самарали эканлигини назорат қилиш;</p> <p>давлат қарзини бошқариш самарадорлигини таҳлил қилиш, унга ўз вақтида хизмат кўрсатилиши устидан назорат қилиш, Ўзбекистон Республикаси номидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган чет эл кредитлари маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича предметли текширувлар ташкил этиш;</p> <p>давлат мулки реализация қилиниши билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш ва улар бўйича назоратни таъминлаш;</p> <p>бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли ва</p>	<p>янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиши, бюджетга оид режалаштиришнинг замонавий усулларини тизимли қоидабузарликларнинг сабабларини, шунингдек халқаро тажрибани умумлаштириш ва ўрганиш орқали жорий этишни;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Қоракалпогистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбат мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадга оид ваколатлари ва харажатларга доир мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳолашни, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлаши юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси пул-кредит ва валюта сиёсатининг, Ўзбекистон Республикаси активлари ва мажбуриятлари ҳолатининг, олтин-валюта захираларини бошқаришнинг, шунингдек қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларнинг ташқи аудитини амалга оширади.</p>

Эски таҳрир	Янги таҳрир
<p>самарали фойдаланилиши устидан назорат қилишга доир вазифалар молия органлари, шу жумладан газначилик бўлинмалари томонидан бажарилиши самарадорлигини таҳлил қилиш; давлат мулки улуши бўлган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини дивиденdlар тўғри ҳисобланиши ва тўланиши юзасидан текшириш.</p>	